

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

IF(IMPACT FACTOR)9.573/2025 ISSN 2181-1881



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyqa - الماتريديتة - Матуридизм



SLIB.UZ
Scientific library of Uzbekistan

1/2025

TAHRIR HAY'ATI

Muzaffar KOMILOV – tarix fanlari nomzodi, dotsent

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR – O'zbekiston musulmonlari idorasi raisi, muftiy

Bahrom ABDUHALIMOV – O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi vise-prezidenti

Uyg'un G'AFUROV – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori

Firdavs ABDUXOLIQOV – O'zbekistondagi Islom sivilizatsiyasi markazi direktori

Davronbek MAXSUDOVI – tarix fanlari doktori, professor

Zohidjon ISLOMOV – filologiya fanlari doktori, professor

Ahadjon HASANOV – tarix fanlari doktori, professor

Shovosil ZIYODOV – tarix fanlari doktori, professor

Jamoliddin KARIMOV – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori

Ahmad Sa'd DAMANHURIY (أحمد سعد الدمنهوري) – ilohiyot fanlari doktori

Mahmud Erol QILICH – doktor, professor, IRCICA Bosh direktori

Nazir Muhammad AYYOD (نظير محمد عياد) – ilohiyot fanlari doktori, Misr muftiyasi

Rejep TUZJU – ilohiyot fanlari doktori, professor

Ashirbek MUMINOV – tarix fanlari doktori, professor, IRCICA Bosh direktorining dasturlar bo'yicha maslahatchisi

Kamaluddin Nurdin MARJUNI – ilohiyot fanlari doktori, Malayziya islom fanlari universiteti kafedra mudiri

O'zbekiston Respublikasi Din ishlari bo'yicha qo'mitasining 2025-yil 8-apreldagi 03-07/2194-sonli xulosasi asosida tayyorlandi.



MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI IMOM MOTURIDIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

Bosh muharrir:

Jamoliddin Karimov,
Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori

Muharrir o'rinbosari:

Zafar Faxriddinov,
Islomshunoslik fanlari bo'yicha falsafa doktori

Sahifalovchi:

Zarifjon Arslonov

Dizayner:

Zarifjon G'ulomov

«MOTURIDIYLIK» jurnali
O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasining 2021-yil 30-dekabrda 310/10-son qarori bilan dissertatsiya asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2021-yil 12-dekabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan №1139 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyat manzili:

Toshkent shahar, Shayxontohur tumani, Abdulla Qodiriy ko'chasi, 11-uy.

E-mail: info@maturidijournal.org

Web-sahifa: maturidijournal.org

Telefonlar: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Nigora Yusupova. Маънавий меросимизда динлараро тотувлик ва бағрикенглик талқини	4
Jahongir Tohirov. Ақидавий асарлар орасида «Шарҳ Тажрид ал-ақоид»нинг ўрни ва услуби	11
Karomiddin Jamahmatov. Саййид Бурҳониддин Термизийнинг салжуқий адабиётида тутган ўрни	21

ДИНШУНОСЛИК

Muslim Atayev. Қадимги давр ва илк ўрта асрларда Уструшана аҳолиси ҳаётида динларнинг ўрни.....	28
Odiljon Ernazarov. Японияда давлат ва дин муносабатлари тарихий ва замонавий асослари	37
Lazizakhon Alidjanova. Interpretation of Epidemiological Issues in Christian and Islamic Sources	44
Aziza Nosirova. Глобаллашув даврида диний ксенофобиянинг олдини олиш аҳамияти.....	51
Zilola Abdulhayeva, Dildora Nishanova. Диншунослик методологиясининг шаклланишида Беруний усулининг ўзига хослиги.....	60

ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

Shahzod Islomov. Улуғбек тарихига оид муҳим манба	67
Ahmad Saad Damanhuri. أبو الحسين البشاعري وكتابه «كشف الغوامض في أحوال الأنبياء»: تحقيق علمي	74
Hamidulloh Aminov. Шайбоний Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилган асарлар.....	84
Soatmurod Primov. «Китоб ал-Олим вал-мутааллим» асари ҳанафий мазҳабига оид дастлабки ақидавий манба	94
Nigora Hakimova, Soliha Yodgorova. Хатиб Бағдодий асарларининг илмий таснифи	105



 <https://doi.org/10.47980/MOTURIDIY/2025-1/8>

Zilola ABDULHAYEVA^a , Dildora NISHANOVA^b 

^a Independent Researcher, International Islamic Academy of Uzbekistan
11 A. Qadiri Street, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: abdulxayevazilola@gmail.com

^b PhD in Historical Sciences, Associate Professor,
Department of History, Oriental University
52A Noraztepa Street, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: dnishanova@yahoo.com

ДИНШУНОСЛИК МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА БЕРУНИЙ УСУЛИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Аннотация. Беруний бир неча динлар тарихи ва таълимотини ўрганган бўлиб, бизга олим фаннинг турли соҳалари қаторида динишуносликка ҳам салмоқли ҳисса қўшганини, таъбир жоиз бўлса, ушбу фаннинг шаклланишида катта роль ўйнаганини таъкидлаш имконини беради. Шу билан бирга, биз Беруний динишунослигининг ўзига хос томонларини ҳам аниқлаш, ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз. Яъни, у дин масалаларини қандай тамойиллар асосида тадқиқ қилишига уринган? Бу жараёнда у ишонган, таянган, хулосаларга келишида асос вазифасини ўтаган гоёлар қайсилар эди? Уни бошқа динишунослардан ажратиб турадиган ўзига хос жиҳатлар нималардан иборат бўлган? Каби саволларга жавоб берилади. Шунингдек, мақолада Беруний томонидан бошқа динларни ўрганишида қўлланилган услублар илк бор илмий ўрганилиб, таснифланган ҳамда бут ва санамлар, урф-одатлар, муқаддас китоблар, яратилиш, руҳ ва жинлар, қибла, дафн маросимлари, диний рамзлар каби масалалар, шунингдек, браҳманлик, буддавийлик, зардуштийлик, монийлик, юнон динлари, яҳудийлик, христианлик, собийлик, Хоразм динлари, араб кўпхудолиги ва ислом борасида келтирган фикрлари илмий тадқиқ қилинган. Шу сабабли ҳам биз К.Атаман ҳамда Г.Каурларнинг Жеффри томонидан Берунийнинг динишунослиги тўлиқ очиб берилмаган, деган фикрларига (Kemal Ataman, 2008:59) қўшилган ҳолда мақолада Беруний динишунослигининг асосий йўналиши бўлмиш қиёсийлик жиҳатини очиб беришига эътибор қаратдик.

Калит сўзлар: Абу Райҳон Беруний, динишунослик, қиёсий динишунослик, «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асару

THE UNIQUENESS OF AL-BIRUNI'S METHOD IN THE FORMATION OF RELIGIOUS STUDIES METHODOLOGY

Abstract. Al-Biruni studied the history and teachings of several religions, which allows us to affirm that, along with his contributions to various other scientific fields, the scholar made a significant impact on the development of religious studies and, so to speak, played a major role in the formation of this discipline. At the same time, we believe it is essential to identify and examine the unique features of Biruni's approach to the study of religion. In other words, what principles did he rely upon when analyzing religious matters? What ideas guided him, served as the foundation of his conclusions, and what distinguished characteristics set him apart from other scholars in this field? These are among the questions the article seeks to answer. Furthermore, the article scientifically analyzes and classifies, for the first time, the methods Biruni employed in studying various religions. Although his views on idols and deities, customs, sacred texts, creation, the soul and jinn, the qibla, burial rites, religious symbols, and such belief systems as Brahmanism, Buddhism, Zoroastrianism, Manichaeism, Greek religions, Judaism, Christianity, Sabianism, Khorezmian beliefs, Arab polytheism, and Islam have been studied. Therefore, we concur with the views of K. Ataman and G. Kaur, who argue that Jeffery did not fully uncover Biruni's religious thought (Kemal Ataman, 2008:59), and in this article, we focus on exploring the comparative aspect, which is the core feature of Biruni's theology.

Keywords: Abu Rayhan al-Biruni, religious studies, comparative religion, The Remaining Signs of Past Centuries

КИРИШ

Марказий Осиёдан етишиб чиққан кўплаб олимлар қаторида Абу Райхон Беруний ўзининг илмий мероси билан кўплаб фан тармоқларига ҳисса қўшган. Хусусан, диншунослик фанида олимнинг асарлари ўзига хос ўрин тутган. Беруний ва унинг диншуносликка қўшган ҳиссасига оид бир қанча асарлар, тадқиқотлар ва илмий мақолалар ёзилган. 1876-1878 йилларда Лейпцигда олимнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг арабча нусхасини, 1879 йилда асарнинг инглизча таржимасини, 1888 йилда эса «Ҳиндистон»нинг ҳам инглизча таржимасини нашрга тайёрлаган ва кириш сўзларини ёзган немис олими Э.Захау (1845-1930) Берунийнинг диншунослигидаги танқидий ёндашувга алоҳида эътибор қаратади. Турли диний масалаларни ёритишда ўта талабчанлик билан ёндашгани, ақлга сиғмайдиган ҳолатларни кескинлик билан танқид остига олгани сабабли Захау Берунийнинг исломга нисбатан муносабатида ҳам шубҳаланишга борган. «У баҳсли масалаларни ёритишда ислом динини ҳам четлаб ўтмаган. У очикдан-очик бу динга қарши гапирмайди, аммо арабларга ишора қилиб, мусулмонларга қарши чиқади», деб ёзади Захау (Kemal Ataman, 2008:74). Захаунинг бу тахмини баҳсли ҳисобланади. Чунки, Берунийнинг ўз асарларининг ҳеч бир ўрнида исломнинг диний асосларини танқид қилгани кўринмайди. Тўғри, баъзи ўринларда у муайян мусулмонларнинг хурфот ва бидъатларга оид одатларини нотўғри эканини ёзади, аммо бу исломга қарши гапириш эмас, аксинча Берунийнинг диннинг асл таълимотини кўрсатишга бўлган уриниши ҳисобланади. В.Клайн ҳам тўғри таъкидлаганидек, «У ислом танқидчиси эмас, балки исломга ёт зарарли ҳолатларни йўқотиш тарафдори эди» (Wassilios Klein, 2005:97). Ҳақиқатан ҳам у Хитойдан Андалусиягача бўлган ерларни бирлаштирган ушбу динни «мукаммал дин» сифатида хурмат қилар, унинг диний асосларини ҳаминқадар бажарар эди. К.Адангнинг фикрича, «Осорул боқия»да унинг шиаликка мойиллиги сезилади, аммо кейинчалик суннийлардан бўлган Ғазнавийлар ҳукмронлиги даврида бу ҳолат кўринмайди (Camilla Adang, 1996:58). Буни берунийшунос олим И.Абдуллаев қуйидагича изоҳлайди: «У (Беруний) шиа мазҳабининг тарафдори Қобус ибн Вашмгир саройида яшаган даврларда шиаларга ён босгандай бўлади. Лекин, «Осорул боқия»да уларни нодонлар деб атади (Беруний, 1965:293).

Кейинчалик сунний Маҳмуд Ғазнавий қўл остида яшаганда суннийликка оид фикрларни муҳофаза қилади (Беруний, 1965:18). Клайн эса унинг холис мусулмон бўлишга интилганини, диний масалаларда ихтилофга бормай, қандай бўлса шундайлигича қабул қилишга уринган (Wassilios Klein, 2005:101). Саид Ҳусайн Насрнинг фикрича, Беруний «Оли Имрон» сурасининг «Осмонлар ва Ернинг яратилишида, тун ва куннинг ўрин алмашиб туришида ақл эгалари учун аломатлар бордир» деган оятига мувофиқ астрономия, фалсафа, геодезия ва диншунослик фанлари билан шуғулланган (Seyyed Hossein Nasr, 1964:113). Демак, ислом дини унинг нафақат турмуши, балки бутун илмий ва амалий ҳаётида ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Немис олими Г.Штромайернинг айтишича, Берунийнинг ислом дини номидан чиққан сохта пайгамбарлар ҳамда йўналишларга кескин раддия бериши унинг бу динга нисбатан юксак хурматда бўлганидан далолатдир (Strohmaier G, 2002:134). Демак, Беруний диншунослигининг асосий хоссаси бошқа динларни ўрганишда у ўз дини – ислом асосларига таянгани, бошқачароқ айтганда, Беруний мусулмон диншунослигининг вакили бўлган эди, дейиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Беруний диншунослигининг ўзига хос томонларини диншунослик нуқтаи назаридан илк бор илмий жиҳатдан ўрганган олим профессор А.Жеффери бўлиб, у «Берунийнинг қиёсий диншуносликка қўшган ҳиссаси» («Al-Biruni's Contribution to Comparative Religion») номли мақоласида ушбу масалада бир нечта қимматли фикрларни илгари сурган (A. Jeffery, 1951). Олимнинг фикрича, Берунийнинг яққол кўзга ташланадиган ўзига хос томони унинг адолатли ва беғараз олим эканидир. «Ҳатто бугунги кунда ҳам бошқа динларнинг таълимотини ёритишда бу қадар адолатли ва беғараз ёндашадиган олимни топиш мушкул», деб ёзади Жеффери. Мақолада Беруний томонидан бошқа динларни ўрганишда қўлланилган услублар илк бор илмий ўрганилиб, таснифланган ҳамда бут ва санамлар, урф-одатлар, муқаддас китоблар, яратилиш, руҳ ва жинлар, қибла, дафн маросимлари, диний рамзлар каби масалалар, шунингдек, брахманлик, буддавийлик, зардуштийлик, монийлик, юнон динлари, яҳудийлик, христианлик, собийлик, Хоразм динлари, араб кўпхудолиги ва ислом борасида

келтирган фикрлари илмий тадқиқ қилинган бўлса-да, Жефферининг бу тадқиқоти баён услубида ёзилган. Шу сабабли ҳам биз К.Атаман ҳамда Г.Каурларнинг Жеффери томонидан Берунийнинг диншунослиги тўлиқ очиб берилмаган, деган фикрларига (Kemal Ataman, 2008:59) қўшилган ҳолда мақолада Беруний диншунослигининг асосий жиҳати – қиёсийлик ҳам тўлиқ ўз исботини топмаган деган фикрдамиз.

Тадқиқот натижаларига кўра, Беруний томонидан бошқа динларни ўрганишда кўзга ташланадиган куйидаги учта асосий жиҳат мавжуд:

Турли халқларнинг диний эътиқодлари ва маросимлари ўхшаш жиҳатларга эга;

Омма ва хослар эътиқоди ўртасида тафовут мавжуд;

Кўпхудоликнинг келиб чиқиши тарихий ва рационал жиҳатдан тушунилиши лозим.

Ушбу уч ҳолат Беруний томонидан диний масалаларни ўрганишда асосий ҳисобланган тамойиллардир. Биз биринчи, яъни барча динларнинг ўхшаш жиҳатларга эгаллиги тамойилини ушбу бобнинг учинчи бўлимида батафсил ўрганишга ва бевосита Берунийнинг асарларида бу борада келган мисоллардан далиллар келтиришга ҳаракат қилдик. Бу ўринда эса қолган икки жиҳатни кўриб чиқсак.

Беруний диншунослигининг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг оддий халқ ҳамда хосларнинг диний эътиқодлари ўртасидаги фарқли жиҳатларни кўра билганидир. Яъни, Берунийнинг фикрича, ҳар қайси динда омма ва хосларнинг эътиқоди мавжуд бўлиб, улар ўртасида фарқли жиҳатлар бўлади ва уларнинг келиб чиқишини деярли бир хил сабаблар билан тушунтириш мумкин. «Ҳиндистон» асарида олим шундай ёзади: «Ҳар бир халқдаги юқори табақа билан авом халқнинг эътиқоди бир-биридан бошқачароқ бўлади; Чунки, юқори табақанинг табиати ақлий нарсалар устида тортишиб, асл ва асосни аниқлашни мўлжаллайди. Авом халқнинг табиати эса сезадиган нарсалари билан чекланиб, аслдан келиб чиққан шахобчаларга қаноат қилади. Асоснинг текширилишини истамайди. Айниқса, у табақаларнинг фикр ва иродалари турлича бўлиб, бир-бирига мувофиқлашмайдиган нарсалар устида бир-биридан бошқачароқ бўлади» (Беруний, 1965: 38). Кўриниб турганидек, Беруний юқори табақа деганда асосан илм ва маърифатга таянувчи кишиларни назарда тутмоқда ва уларнинг бирор бир диний масала хусусидаги фикрни ақл билан текширишлари ва унинг келиб чиқиш асосларини

ўрганиб, ўз хулосаларига таянган ҳолда эътиқод қилишларини таъкидламоқда. Ўз навбатида омма эътиқодининг ўзига хослиги сифатида уларнинг сезиладиган, яъни кўзга кўринадиган ва эшитиладиган нарсаларга ишонч ҳосил қилиш билан чекланишлари, таълимотларнинг асосларини ўрганишга ҳаракат қилмаслигини қайд этмоқда. Демак, Беруний оддий халқнинг диний қараши ҳамда фалсафий мазмунга эга бўлган хос инсонларнинг диний эътиқодини кўра билган.

Олим айниқса, турли халқлар томонидан Худо тушунчасини қандай тушунилишини таҳлил қилган ҳолда ушбу жиҳатни исботлаб берган, дейиш мумкин. Жумладан, Беруний ҳиндлар жамиятидаги маърифатли кишиларнинг Худо ҳақидаги тушунчаларини ўрганган ҳолда «Тангри якка, азалдан бор – борлигининг бошланиши ва охири йўқ, истаганини қилади, қудратли ва ҳукм эгаси, тирик, ҳаёт бахш этувчи, тадбирли, ишини давом эттирувчи, подшоҳликда ягона, унга зидлашадиган ва тенглашадиган нарса (ва зот) йўқ; у бирор нарсага ўхшамайди, бирор нарса унга ўхшамайди» (Беруний, 1965: 38), «У шундай сахийки, ато қилади-ю, ўзи ато олмайди. Тангрининг борлиги ҳақиқий борлиқдир. Чунки, мавжудот у билан барқарор, уни бор деб туриб, мавжудотни йўқ деб фикр қилиш мумкин, аммо уни йўқ деб, мавжудотни бор дейиш мумкин эмас» (Беруний, 1965:41), – деб ёзади. Бу Берунийга кўра, маърифатли ҳиндларнинг Худо тўғрисидаги тасаввурлари ҳисобланади. Бу борада ҳинд жамиятидаги оми кишиларнинг фикрларини ўрганган Беруний уларнинг хос ҳиндларникидан фарқ қилишини аниқлайди ва бу қарашларни ақл қабул қила олмайди, деб ҳисоблайди.

Беруний кўпхудолик исломда катта гуноҳ экани ва ҳиндлар мусулмон олимлари томонидан мушриклар сифатида таърифланиб келинганини яхши билади, аммо шунга қарамасдан, у ўз тажрибаларига суянган ҳолда бу қараш унчалик тўғри эмаслиги ҳақидаги фикрни илк бор илгари сурди. Яъни, унинг фикрича, ҳиндларнинг ҳаммаси ҳам мушрик ҳисобланмаган. Бунда Беруний ҳиндларнинг маърифатли юқори табақа вакиллари назарда тутати ва бу масалада шундай ёзади: «Биз шу бобда ҳиндлар урф-одатини ҳикоя қилар эканмиз, уларнинг хурофотларини ҳам ҳикоя қиламиз ва хурофотнинг авом халқ ўртасида жорий эканини билдирамиз. Аммо халос бўлишни мақсад қилиб олган ёки мужодада – тортишув ва калом илмининг йўлларини ўрганган киши

хамда ҳиндлар «сора» деб атайдиган ҳақиқатни аниқлашни мўлжаллаган киши олий даражали тангридан бошқа ҳеч бир нарсага ибодат қилмайди» (Беруний, 1965:95). Оми синфларга келсак, Беруний ҳиндларнинг аксарияти оми кишилардан иборат бўлиб, уларни ҳақиқатан ҳам мушриклар сифатида эътироф этиш мумкин, деб ҳисоблайди. У авом халқнинг Тангрини нуқта, икки кўзли, узунлиги ва эни ўн икки бармоқ кўринишларида тасвирлашларини келтириб, бу каби ҳолатларни бошқа дин вакилларида, хоссатан исломда ҳам кузатиш мумкинлигини таъкидлайди ва жабарийлар оқимининг антропоморфик қарашларини мисол сифатида келтиради (Kemal Ataman, 2008:72.). «Шундай тушунчалар бошқа халқларда, ҳатто, мусулмонларда ҳам бор. Масалан, Тангрини бир нарсага ўхшатиш, Тангри бандаларни мажбур қилувчи дейиш, тангри ҳақида бирон фикр юритишни ҳаром деб айтиш ва шунга ўхшашлар учрайди». Беруний бу ҳолатни қоралаб, «Тангри бу сифатлардан пок бўлиши лозим» (Беруний, 1965:41), дея қайд этади.

Шу билан бирга олим юқоридаги масалада қуйидаги фикрларни ёзади: «Агар Худо раҳмат қилгур Муҳаммад алайҳиссаломнинг ёки Макка ё Каъбанинг суратини бирон оми кишига кўрсатсанг, у сурати олинган кишининг ўзини кўргандай бўлиб, шодланиб, уни ўпишга, унга юзларини суртиб, ялиниб-ёлборишга киришади...» (Беруний, 1965:96). Бошқача айтганда, гарчи ушбу ҳолатда уларнинг санамга сиғинаётгандек туюлса-да, аслида уларнинг тасаввурларида ягона Аллоҳга эътиқод қилаётганларига шубҳа қилинмайди. Бу ўхшатишни келтириш билан Беруний ҳинд жамиятидаги бут-санамларга сиғинувчиларнинг ҳам аслида шундай эътиқодда бўлганларини назарда тутганини тахмин қилиш мумкин.

Демак, Беруний ўз даврида мусулмон оламида ҳиндларга нисбатан кўпхудолик, бут-санамларга сиғинувчилар сифатида муносабатда бўлинганига қарамасдан, илк бор бу масала баҳсли эканини илгари суриб, ҳиндларнинг ичида кўпхудолик ҳолатлари борлигини инкор этмаган ҳолда уларнинг бу борадаги қарашларини ўрганишда хос ва омма концепциясидан келиб чиқишни лозим кўрди. Мусулмонлар томонидан бут-санамларга сиғинувчилар сифатида тасаввур қилинган ҳиндлар аслида уларнинг қуйи табақаси вакиллари эканини ҳулоса қилди.

Беруний диншунослигига хос бўлган яна бир жиҳат унинг кўпхудоликнинг, бут-санамларга сиғинишнинг келиб чиқишини илмий асосда

кўрсатиб бергани ҳисобланади. Бу борада у кўпхудоликнинг келиб чиқишининг бир нечта сабабларини келтирган:

Бунинг биринчи сабабларидан бири сифатида у расмларни муқаддаслаштириш амалиётини қайд этади. Берунийга кўра, маърифатли кишилар рамзларни ақдан қабул қилиб, ўзларини чегаралаб турсалар, авом халқ эса уларга ҳаддан ташқари эътиқод кўяди, қандай бўлса, шундайлигича кўра-билади. Бу ҳолатни у қуйидагича тушунтиради: «Ақл билан билинадиган нарсани мисол ва суратда кўрсатиб оми кишиларни тинчителиш учун яхудийлар, насронийлар, айниқса маннонийлар каби турли халқлар кишиларининг кўпи китобларда суратлар кўрсатишга ва ҳайкаллар тиклашга киришган. Пайғамбарлар, олимлар ва фаришталардан иборат улуғ шахсларнинг исмларига санамлар барпо этишнинг сабаби ва боиси ана шудир; улар ўлиб, йўқ бўлиб кетган бўлсалар ҳам қилган ишларини шу санамлар орқали эслатиш, ўзлари бўлмасалар ҳам одамларнинг қалбларида уларнинг ҳурматларини сақлаб қолдириш учун шундай қилганлар. Ниҳоят у санамларни ишлаган кишилардан кейин кўп замонлар ўтиб, санамлар кўп асрларни кечирганлар. Кейин уларнинг ясаилиш сабаблари ва уларни талаб қилган аҳвол унутилган ва санамлар одатга кириб, расмий ва одатий нарса бўлиб қолган» (Беруний, 1965:61). Демак, Берунийга кўра, аввалига барча динларда ҳам яккахудолик мавжуд бўлган, аммо кейинчалик диннинг асосий ғояларини ифодалаш учун бут ва санамлар ясалган ва бир қанча вақт ўтиши натижасида уларнинг аслида нима сабабдан ясалгани ҳамда уларнинг диндаги мавқеи унутилиб, илоҳийлаштириш вужудга келган. Натижада кўпхудолик кўринишидаги эътиқодлар пайдо бўлган.

Кўпхудоликнинг келиб чиқиши сабабларидан яна бири сифатида Беруний дафн маросимларини қайд этади. Ўзининг «Ҳиндистон»ида у «Санамларга чўқинишнинг дастлабки сабаби ёдгорлик ва кўнгили тинчителиш бўлиб, бемаъни бир нарса даражасига етган» (Беруний, 1965:105), дейди. Ушбу ўринда биз Берунийнинг кўпхудоликнинг келиб чиқишини илмий тахмин қилиши билан бирга замонавий диншунослиқда қабул қилинган диннинг таскин берувчи (компенсаторлик) вазифасига ҳам қисман тўхталганини таъкидлай оламиз.

Учинчидан, эса Беруний кўпхудоликнинг келиб чиқишини Худо тушунчасини нотўғри талқин қилишда деб ҳисоблайди. Бу борада олим юнонларнинг «Тангри якка сон билан айтилади,

аммо тангрилар деб кўп сон билан айтилмайди» деган сўзларидан «демак, қадимги юнонларнинг сўзларидан маълум бўлишича, Тангри – илоҳ сўзи умумий бўлиб, ҳар қандай шарафли ва улуғ нарсага ишлатилаверади. Шундай ишлатиш бошқа кўп халқларда ҳам учрайди; ҳатто илоҳ сўзини умумий қилиб, тоғ, денгиз ва шунга ўхшашларга ҳам ишлатадилар» (Беруний, 1965:44), дея юнонларнинг осмон жисмларининг деярли ҳар бирига нисбатан Худо сўзини ишлатганларини қайд этиб, бу ҳолат уларнинг янглишишларига олиб келганини хулоса қилади. Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турганидек, Беруний юнонларда мусулмонлардан фарқли равишда Худо сўзи турли жисмларга нисбатан ишлатилгани ва бунинг натижасида халқларда кўпхудолик келиб чиққанини тахмин қилади.

МУҲОКАМА

Беруний томонидан ўрганилаётган диннинг умуман камситилмай, ҳолисона ёритилгани, вақти келганда, ўз тарафдорларини ҳам танқид қилганини унинг диншуносликка объектив ёндашгани билан изоҳлаш мумкин. Масалан, у ҳиндлардаги айрим ҳолатлар мусулмонлар учун ғайритабиий туюлганини келтириб, мусулмон арабларнинг ҳам исломгача бўлган айрим одатлари нафақат ҳиндлар учун, балки бошқалар учун ҳам инсонпарварликдан узоқ бўлганини қайд этади (Беруний, 1965:150). Аксарият диншунос олимлар каторида Р.Готони олимнинг бу тамойилини замонавий қиёсий диншуносликнинг асосий устунларидан бири эканини келтириб, уни объективлик ва ҳолислик тамойилларининг асосчиси сифатида эътироф этади (René Gothóni, 2005:221).

Беруний диншунослигининг яна бир жиҳати сифатида ўрганилаётган дин ҳақидаги мавжуд маълумотларни тўлдирганини келтириш мумкин. Маълумки, Берунийдан аввал ҳам олимлар халқлар тарихи, этнографияси, маданияти ва динига оид масалаларни тадқиқ этганлар. Жумладан, 395 йилда Маврия давлати шоҳи Солокос I томонидан Ҳиндистонга элчи сифатида юборилган юнон тарихчиси Мифастин (айрим манбаларда Мегосфен) эсдаликлари (Низомиддинов Н.Ғ., 2006:11), хитойлик буддавий роҳиблар Фа Сянь (V аср, араб манбаларида Фоҳиён) (Муҳаммад Жамол, Иброҳим Аҳмад, 1968:36), И Цзинь (VII аср), Хюнг Санг (VII аср), Сюань Цзань (VII аср)

ларнинг рисоалари, Ибн Хурдодбех (820912) нинг Ҳиндистон сиёсий тарихига оид хронологик маълумотлари, Идрисий (1110-1165)нинг Ҳиндистон географияси ҳақидаги асари (Алаев Л.Б, 2003:123), Ёқубий (IX аср) ва Масъудий (ваф. 956)нинг ҳинд, грек, араб, хитой, яҳудий, христиан каби миллат ва дин вакиллари ҳақидаги қимматли маълумотларини мисол сифатида келтириш мумкин (Wassilios Klein, 2005:46). Аммо улардаги маълумотлар кўп ҳолларда тарих, маданият ёки география соҳаларига оид бўлиб, дин масалалари деярли ислом нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилган эди. Шу сабабли ҳам Беруний айниқса, «Ҳиндистон»ни ёзишда таяниши мумкин бўлган маълумотлар жуда ҳам кам эканини таъкидлайди (Беруний, 1965:61). Таниқли олим Артур Жефферери ҳам юқоридаги фикрга мос равишда Берунийнинг Ҳиндистон ҳақида ёзилган ўзидан аввалги маълумотларнинг кам эканидан афсусланганини ва ушбу тамойил орқали мавжуд маълумотларни тўлдирганини таъкидлайди (А. Jeffery, 1951:143). Шундай бўлса-да, у ўзигача ёзилган барча асарларни тизимли шаклда ўрганиб, кейинчалик ўзининг бевосита тадқиқотлари натижасида олинган маълумотлар билан уларни тўлдирган.

Олим тарихий воқеаларнинг чалкашлиги, бу ҳақда битилган баъзи асарларнинг нотўғрилигини қайд этади, кўп асарлар бетартиб ёзилганини қуйидагича таърифлайди: «Агар, ҳиндлар тарихий ҳодисалар жараёнида тартиб билан иш олиб боришда бепарво бўлмасалар эди, подшоҳларнинг кетма-кет келиш тарихида ғофил бўлиб, зарурат вақтларида ҳайратда қолиб, тахмин билан (бўлмағур нарсаларни) ҳисобламаганларида эди, биз улар тарихчиларининг баён қилган сўзларини келтирган бўлар эдик» (Беруний, 1965:311). Шу сабабли ҳам у айрим мусулмон олимларининг Ҳиндистон ҳақида келтирган маълумотлари, санскрит тилида ёзилган асл ҳинд диний манбалари ва ўзи гувоҳ бўлган кузатув натижаларига қўшимча равишда бошқа тилларда ёзилган китобларни ҳам ўрганган ва ўзидан аввалги олимларнинг маълумотларини тўлдиришга ҳаракат қилган. Маълумотларга кўра, Беруний «Ҳиндистон» асарини ёзиш жараёнида ўттиз бешта санскрит тилидаги манбадан фойдаланган (Wassilios Klein, 2005:56). Асарда юнон манбаларидан келтирилган иқтибослар эса бу фикрнинг тўғрилигини кўрсатади.

НАТИЖА

Умуман, Беруний яшаган даврда бошқа диний таълимотлар, хусусан, хиндларнинг динига оид қарашлар катта илмий қийматга эга бўлмаган, асосан иккинчи, учинчи манбалардан олинган маълумотлар асосида шаклланган эди. Жумладан, Кембриж университети профессори Билор юқорида номлари тилга олинган бир гуруҳ хитойлик олимларнинг Хиндистон ҳақидаги маълумотлари илмий қийматга эга эмаслигини таъкидлайди (Муҳаммад Жамол, Иброҳим Аҳмад, 1968:36). Бу ҳақда Берунийнинг ўзи ҳам «Ёзилганларнинг баъзиси баъзисидан кўчирилган. Териб олиб, аралаштириб тўпланган-у, лекин хиндларнинг тушунчасига мослаб кераксиз тозаланмаган ва олиб ташланмаган. Шундай мақолалар тўплаларининг эгаларидан Абул Аббос Эроншаҳрийдан бошқа оғишмай ва иккиюзламачилик қилмай, тўғри ҳикоя қилган бирон кишини билмайман» (Беруний, 1965:27), деб ёзган эди.

Беруний илмий фаолиятида сохта маълумотларни ҳақиқийсидан ажрата олишга интилиш кучли бўлган. У баъзи олимлар каби асоссиз, ёлғон маълумотларга таяниб, нотўғри хулосаларга келишнинг олдини олиш учун ҳам мавжуд маълумотларни қайта текширган. Беруний Қуръони каримнинг «Эй мўминлар, адолат билан тургувчи ҳамда ўзларингнинг ёки ота-она ва қариндош-уруғларнинг зарарига бўлса-да, Аллоҳ учун тўғри гувоҳлик бергувчи бўлинглар!» (Нисо, 135) деган оятига таянган ҳолда ростгўйлик, ҳақиқатга интилиш олимнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиши зарур деб биларди (Kemal Ataman. 2008: 61). Шу сабабли у ёлғон маълумотларни қабул қила олмаган.

Баъзи олимларнинг фикрича, Беруний ўзигача мавжуд бўлган хабарларни текшириш баробарида маълумотлар қай тарзда тарихий жараёнлар натижасида ўзгариб кетиши мумкин деган саволга жавоб бериб кетади. Бошқача қилиб айтганда, аниқ бўлган хабар қуйидаги бир неча сабаблар орқали ўз моҳиятини йўқотади:

Нотўғри эшитиш орқали;

Ўзини халос этиш мақсадида бошқа инсонни айблаб, ёлғон сўзлаш орқали;

Ўз тарафдори ёки душмани бўлган шахсга ўзини яхши кўрсатиш мақсадида ёлғон сўзлаш орқали;

Яхшиликка эришиш мақсадида ёки кўрқок-лигидан ёлғон сўзлаш орқали;

Табиатига ёлғон хабар тарқатиш ўрнашиб қолган кишиларнинг сўзлари орқали;

Ёлғончининг сўзини билмасдан етказиш орқали (Wassilios Klein, 2005:46);

Олим ўз асарига киритган ҳар бир лавҳани жуда эҳтиёткорона, олган манбасини, эшитган кишисини, унинг ишончли ёки ишончсиз шахс эканини айтиб, ўзининг холис фикр ва мулоҳазасини бериб кетади. Аммо ўз навбатида у воқеликни ўрганиш жараёнида ҳар қандай олим ҳам оддий инсон сифатида хатога йўл қўйиши мумкинлигини билдиради ҳамда бу борадаги ишлар учун ўқувчиларидан узр сўрайди. А.Жеффери Берунийнинг эшитиш орқали тўпланган маълумотларни аниқ деб ҳисобламаганини унинг «хабар кўз билан кўргандек бўлмайди» деган фикрлари билан тасдиқлаб (Беруний, 1965:25), айнан шу сабабли ҳам у аниқ манбаларга ва ишончли одамларгагина таянганини таъкидлаб ўтади. Беруний шубҳали хабарларни уларни аниқлаштирмагунга қадар баён этмайди. Чунки, «шубҳани аниқ ва номаълумини маълумга қўйиш биз юрган йўлга лойиқ эмас» (Беруний, 1965:105), – дейди у.

Юқоридагиларга қўшимча сифатида яна шуни айтишимиз мумкинки, Беруний диншунослигининг ўзига хослиги сифатида яна унинг равон ва тушунарли тилда ёзгани, ишончсиз ва асоссиз маълумотларни рад этгани, ўзи учун ҳам бошқалар учун ҳам талабчан муносабатда бўлгани ҳамда динларни ўрганиш жараёнида самимий бўлиш баробарида бошқаларни ҳам шундай бўлишга ундаганини таъкидлаш зарур. Бирор масалани ўрганиш мобайнида унинг муайян жиҳатларини аниқлай олмаса ёки бу борада бирор асоссиз маълумотларга дуч келса, у дарҳол бу ҳолат учун ўз ўқувчисидан узр сўраган ҳолда бу борадаги изланишларни янада кучайтириб, навбатдаги ишларида бу масалани аниқлаштиришга ҳаракат қилишини айтиб ўтган. Бу ҳам Берунийнинг ҳақиқий олимга хос бўлган шахсиятга эга бўлганини кўрсатади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқоридаги далил ва мулоҳазалар буюк комусий олим Абу Райҳон Берунийнинг дин масалаларини ўрганиш жараёнида ўзигача ва ўзидан кейин бу борада меҳнат қилган мусулмон алломаларидан фарқли ўзига хос йўналишни танлаб олганини кўрсатади. Беруний танқидий методдан ўз ўрнида оқилона ва самарали

фойдалана билган, аммо бу жараёнда ўз эътиқодий қарашлари чегарасидан чиқмаган. Унинг динларни ўрганишдаги яна бир ўзига хос жиҳати хос ва авом кишиларнинг динга муносабатини ажрата билгани ва бу ҳолат ҳар бир дин тарафдорлари ўртасида кузатилишини илмий асосда исботлаб бергани бўлган. Беруний диний қараш ва эътиқодларнинг ривожланишига тарихийлик нуқтаи назаридан қараш билан ҳам бу борада янгилик қила олган деб айтиш мумкин. Хусусан, кўпхудоликнинг келиб чиқишини у айнан шу тамойил асосида ўргангани яққол мисол бўла олади.

Юқоридагилардан ташқари Берунийнинг бирор мавзунини ёритишга киришишдан аввал бу борада ўзига хос келиб келган маълумотларни қатъий билан ўрганиши, шу билан бирга уларни танқидий кўздан кечириб қайта текшириши, ўзининг нуқтаи назаридан ҳақиқатга зид бўлганларини қайд этиб ўтиши, зарур ўринларда баҳсга киришиб, ўз қарашларини илгари суриши унинг динларни ўрганиш жараёнида ўз даври анъаналаридан анча илгарилаб кетганини кўрсатади. Умуман олганда, Беруний динларни ўрганиш масаласида ўзига хос мактаб ярата олган ва унинг йўналиши бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Günter Strohmaier (2002). Al-Biruni. Leipzig.
 2. Arthur Jeffery (1951). Al-Biruni's contribution to comparative religion. Calcutta: Iran Society
 3. William Montgomery Watt. Bīrūnī and the study of non-Islamic religions. Retrieved from <http://www.fravahr.org/spip.php?article31>
 4. Kemal Ataman (2008). Understanding other religions: Al-Biruni and Gadamer's «Fusion of Horizons». Washington
 5. René Gothóni (2005). How to do comparative religion?: Three ways, many goals. Berlin: Walter de Gruyter.
 6. Низомиддинов Низомиддин Гиёсиддин ўғли. (2006). Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. Тошкент: Зар Қалам.
 7. Муҳаммад Жамал (1968). Ибраҳим Аҳмад. Беруний. Байрут: Дар ал-Китаб ал-Араби.
 8. Leonid Borisovich Alaev (2003). Istoriya Indii (History of India). Sankt-Peterburg: Aleteya.
 9. Wassilios Klein (2005). Abu Rayhan al-Biruni und die Religionen. Nordhausen: Traugott Bautz.
 10. Абу Райҳан Муҳаммад ибн Аҳмад Беруни (1965). Танланган асарлар. Жилд III: Ҳиндистон. Тошкент: Фан.
3. Watt, W. M. Bīrūnī and the Study of Non-Islamic Religions. Retrieved from <http://www.fravahr.org/spip.php?article31>
 4. Ataman, K. (2008). Understanding Other Religions: Al-Biruni and Gadamer's «Fusion of Horizons». Washington: Georgetown University Press.
 5. Gothóni, R. (2005). How to Do Comparative Religion?: Three Ways, Many Goals. Berlin: Walter de Gruyter.
 6. Nizomiddinov, N. G. (2006). Janubi-Sharqiy Osiyo diniy-falsafiy ta'limotlari va islom. Tashkent: Zar Qalam.
 7. Jamal, M. (1968). Ibrahim Ahmad. Beruni. Beirut: Dar al-Kitab al-Arabi.
 8. Alaev, L. B. (2003). History of India. St. Petersburg: Aleteya.
 9. Klein, W. (2005). Abu Rayhan al-Biruni and the Religions. Nordhausen: Traugott Bautz.
 10. Beruni, A. R. M. ibn A. (1965). Selected Works. Vol. II: India. Tashkent: Fan.

REFERENCES

1. Strohmaier, G. (2002). Al-Biruni. Leipzig: Leipzig University Press.
2. Jeffery, A. (1951). Al-Biruni's Contribution to Comparative Religion. Calcutta: Iran Society.